Янги йилингиз муборак бўлсин!

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

52 (706)

# Mahalla

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2009 йил 30 декабрь. Чоршанба

СЎЗ – ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

## УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

**27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов жараёнларини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юзга яқин кузатувчи бевосита кузатиб борди.**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, парламент сайловига тайёргарлик, бевосита сайлов жараёни ҳақидаги фикрларини сўради.**

**Лим Жонг МЁНГ, "Дипломаси" журнали вице-президенти (Жанубий Корея):**

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, қирққа яқин сайлов округида депутатликка номзодлар етарлича овоз тўплай олмаган. Шу боис яқин кунларда бундай сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилади. Бу Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, амалдаги сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро нормалар — демократия, ошкоралик, муқобиллик ва кўппартиявийлик тамойилларига тўлиқ мос келишининг амалдаги тасдиғидир. Айни пайтда бу жараён ҳам жамоатчиликда, ҳам халқаро ҳамжамиятда мамлакатингизнинг сайлов тизимига бўлган ишончни янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ўтган овоз бериш жараёнини Тошкент шаҳридаги 288, 297-сайлов участкаларида кузатдим. Уларнинг ҳаммасида ушбу сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилгани яққол сезилиб турибди. Ўзбекистон Республикаси парламенти сайловига оид қонун ҳужжатлари, газета-журналлар, плакатлар, номзодлар ҳақидаги бошқа ранг-баранг маълумотларни деярли барча жамоат жойларида кўриш мумкин. Ўзбекистонда сайлов тизимининг менга ёққан яна бир жиҳати шуки, сайлов куни муайян сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмайдиган фуқароларга махсус кўчма қути олиб борилади ва уларга овоз бериш учун имконият яратилади. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларига ҳурматнинг бундай ёрқин ифодасини ҳеч бир мамлакатда учратмаган эдим.

**Абдулқодир АЛ-ҲАБИБУЛЛА, сиёсий ва молиявий таҳлилчи (Саудия Арабистони):**

— Марғилон шаҳридаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнларини кузатиб, унинг демократик нормаларга тўла мувофиқ ўтганига ишонч ҳосил қилдим. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин амалга ошириши учун халқаро талаблар даражасида имконият ва шароит яратилган. Шунинг ўзи Ўзбекистон тараққиётнинг тўғри йўлини танлагани ва бу йўлдан дадил бораётганини кўрсатиб турибди.

Сайлов куни кўрсатилган номзодлар етарлича овоз тўплай олмаган округларда энг кўп овоз олган депутатликка икки номзод бўйича қайта овоз берилиши мамлакатингизда шаклланган демократик тамойилларнинг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир.

**Василий ВОЛКОВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:**

— Кўп мамлакатларда ўтказилган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Тан олиш керак, мамлакатингизда сайловда кузатувчилар учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистонда парламент сайлови ошкора, демократик нормаларга мос ўтди. Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ўн бешга яқин сайлов участкасида бўлиб, сайлов жараёнларини диққат билан кузатдим. Юксак савияда жиҳозланган сайлов участкалари менда ҳавас уйғотди. Сайлов жараёнларида ҳеч қандай камчилик кўрмадим.

Номзодлар етарли миқдорда овоз тўплай олмаган сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилиши халқаро андозаларга тўлиқ мос келиши баробарида Ўзбекистон сайлов тизимининг нечоғли ишончли, тўғри ва одилона ишлаб чиқилганидан далолатдир.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

# БОЛАЛИК, БЕҒУБОРЛИК, ШОДЛИК БАЙРАМИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА "Президент арчаси" байрам тантаналари бошланди**



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ** Ислом Каримов раҳнамолигида фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади. Янги йил арафасида юртимизда анъанавий тарзда ўтказилувчи "Президент арчаси" байрам тантаналари бунинг амалдаги яна бир тасдиғидир.

29 декабрь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ана шундай тантаналар бошланди. "Sen Yolg"iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу тадбирга шаҳардаги барча Меҳрибонлик уйлари, SOS – Болалар шаҳарчаси, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди.

Юртимизда мутлақо янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштиришга қодир, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган маънавий ва жисмоний етук ёшларни тарбиялашнинг мукаммал тизими яратилган. Ҳаётга изчил жорий этилаётган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни юксак маънавиятли, теран тафаккурли инсонлар этиб вояга етказиш, қизиқиши ва лаёқатига монанд касб-ҳунар эгаллашига яқиндан кўмаклашиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш имконини бермоқда.

Айни пайтда ота-она меҳридан бебаҳра, ижтимоий, тиббий кўмакка муҳтож, мураккаб шароитда қолган болаларга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятга интеграциялашуви учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Бу жиҳатлар Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, махсус мактаб-интернатлар, болалар ижтимоий реабилитация марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш, фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, зарур техника, мебель, ўқув-услубий, компьютер жиҳозлари билан таъминлаш, инклюзив таълимни изчил ривожлантириш, педагоглар, ижтимоий-педагогик кўмак хизмати мутахассислари меҳнатини муносиб қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришда намоён бўлмоқда.

АЙЁМ ШУКУҲИ > [8]

# ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ЙИЛ ШОДИЁНАЛАРИ

Ҳар бир куни қувонч ва ташвишларга бой бўлган 2009 йил ниҳоялаб бормоқда. Остонада янги йил! Умримизнинг яна бир йили ўтади. Ёшимиз яна бир ёшга улғаяди.



Бугун юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида байрам шукуҳи кезмоқда. Одамларнинг юзкўзларида байрам кайфияти, қувонч. Янги йилни, айниқса, болалар ўзгача шод-хуррамлик, севинч билан қарши олишади. Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдонида, вилоятлар, туманлар, шаҳарларимизнинг бош майдонларида янги йил арчалари безатилган, арчалар атрофи ҳар куни қишки таътилга чиққан мактаб ўқувчилари билан гавжум. Йирик корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари ва муассасалар, идораларнинг бинолари, кўчаларимиз байрам либосида.

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида юртимиздаги энг баланд, энг кўркам арча қад ростлаган. Бу арчани ўз кўзи билан томоша қилиш мақсадида майдонга юртимизнинг барча жойларидан меҳмонлар ташриф буюришаётир. Безанган арчанинг атрофи янги йил рамзлари, эртак ва мультфильм қаҳрамонлари ҳаракатларини, саҳналарда уюштирилаётган томошаларни ҳайрат билан, мириқиб томоша қилаётган болажонларнинг шодон овозларига тўла. Ташриф буюрганлар нафақат безатилган арчани, балки мустақиллик йилларида, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан бунёд этилган иншоотларни ҳам томоша қилишяпти.

**Халқимизда байрамлар, муҳим тадбирлар олдидан янгидан бунёд этилган иншоотларни ишга тушириш, фойдаланишга топшириш, қурилиши режалаштирилаётган иморатларга тамал тоши қўйиш, кам таъминланган, эҳтиёжмандларга байрам совғалари улашиш, қария ва ногиронларни йўқлаш анъанага айланган.**

— Невараларимни эргаштириб, Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги "Ашхабод" маҳалласидан келдик, — дейди нафақадаги ўқитувчи Ширин Эгамова. — Бу ерда байрам ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтмоқда. Тўғриси, бу манзараларни кўриб, фақат невараларим эмас, ўзим ҳам ҳайратда қолдим. Янгидан бунёд этилган иншоотларни айтмайсизми?! Улар пойтахтимизга чинакам кўрк бағишлабди.

Айтиш жоизки, байрам тадбирларини ўтказишда, томошалар уюштиришда боғча тарбияланувчилари, мактаб ва коллеж ўқувчилари фаол иштирок этишяпти.

— Юртбошимиз ташаббуси билан 2010 йил — Баркамол авлод йили, деб эълон қилинганини эшитиб, биз коллеж ўқувчилари жуда хурсанд бўлдик. Ўтган даврга назар ташлайдиган бўлсак, йил қандай номланган бўлса, ўша соҳада туб ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлди. Мен бир ўқувчи сифатида ишонч билан айта оламанки, келаётган йилда ёш авлод ҳаётида, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида муносиб ислоҳотлар амалга оширилади. Натижада ёш авлоднинг билим олиши, касб-ҳунар соҳиби бўлиши учун янада кенг имкониятлар очилади. Биз бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, билдирилаётган ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз, — дейди Тошкент молия-иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Шоҳиста Ортиқова.

АЙЁМ ШУКУҲИ > [8]

БУНЁДКОРЛИК

## ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

— Биласанми дўстим, кичикроқ бўлса ҳам ҳовли-жой сотиб олмоқчи эдим, — деб қолди Фарҳод дўсти Камолга. — Лекин, ҳар доим инсонда эҳтиёж бўлгани билан имконият бўлавермас экан. Оиламиз каттагина. Хабаринг бор, ҳалигача ота-онам билан тураман. Алоҳида уй-жой қилиш ниятим бор эди...

— Мен сени тушундим, — деди Камол. — Бу муаммонинг ечими осон. Яқинда маҳалладошлардан эшитиб қолдим, маҳалламиз ҳудудида янги замонавий типдаги уйлар қурилиши режалаштирилган экан. Шу уйлардан бирини олишга ҳаракат қил. Муҳими, бу уйлар 15 йил давомида имтиёзли кредит асосида берилар экан.

Маҳалланг — ота-онанг, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, азалий қадриятлар, ўлмас анъаналар давом этаётган ушбу маҳаллаларда тарбия топиб, униб ўсаётган бугунги ёшлар эртанги кун эгалари. Давлатимиз раҳбарининг сўзлари билан айтганда, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт". Жорий йилда лойиҳалари тасдиқланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган янги замонавий типдаги уйлар нафақат қишлоқларимиз ободлиги йўлида қилинаётган эзгу амаллар, балки ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини шакллантириш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, десак муболаға бўлмайди.

Жорий йил бошида, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва замонавий архитектура асосида бунёд этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган «Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан 5 хонагача бўлган замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилганди. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси эса мазкур лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ барча тайёргарлик ва қурилиш ишларини марказда ва вилоятларда олиб бормоқда.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ > [3]

# ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ



< [1]

Алоҳида қарор билан ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг асосий мақсади ҳам ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун катта миқдордаги зарур маблағларни жалб этишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун жорий йилнинг ўзида мазкур банк орқали қарийб 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. 2010 йилда эса ана шу мақсадлар учун қўшимча равишда ажратилиши кўзда тутилган салкам 530 миллиард сўм маблағнинг 256 миллиард сўмдан зиёди давлат томонидан бериладиган маблағдир. Бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун ҳозирга қадар мамлакатимизда 670 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти тузилди.

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»-да ва вилоят марказларида бўлиб ўтган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

— «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилган лойиҳаларни кўриб, тўғриси, ҳайратландим. Яқинда ана шу замонавий типдаги уйлар қурилаётган ҳудудга йўлим тушганди. Қурувчилардан бири мақсадимни тушунди, шекилли, дарров йўл бошлади. Қурилиш ишларини кўриб Юртбошимизнинг: «Бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутади», деган сўзлари ёдимга тушди. Дарҳақиқат, замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, спорт иншоотлари ва тиббиёт муассасалари ҳақиқий маънода шаҳар типидаги кичик бир шаҳарчани эслатади, — дейди Фарғона вилояти Учкўприк тумани «Янгиқишлоқ» ҚФЙ фуқароси Асрор Абдураҳимов.

Жорий йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 42 та ер массиви ажратилиб, тажриба тариқасида 840 та якка тартибдаги уй-жой барпо этилмоқда. Мазкур тураржойлар 2010 йилнинг март-апрель ойларида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. 2010 йилда ҳам мамлакатимизнинг барча қишлоқ туманларида яна 7 минг 630 та янги уй-жой барпо этиш режалаштирилган. Энг муҳими, қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли кредит ҳисобидан қопланади. Мазкур кредит маблағларининг 15 йил давомида аста-секин, босқичма-босқич тўлаш тартиби эса халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар яратади.

Белгиланган дастур доирасида нафақат шинам ва обод уйлар қуриш, айни пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳлининг ҳар томонлама қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий мавзеларни комплекс барпо этиш аниқ белгиланган.

— Бу йил, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлиги қурилиш мажмуаси бош мутахассиси Бахтиёр Эшниёзов — вилоятимиз бўйича, хусусан, Термиз, Шеробод ва Жарқўрғон туманларида 20 тадан 60 тагача замонавий типдаги уйлар қурилмоқда. Тасдиқланган лойиҳалар асосида барпо этилаётган бу уйлар қурилишида, аввало, воҳанинг табиий жойлашув ўрни, иқлими эътиборга олинмоқда. 2010 йилда ҳам вилоят бўйича барча шароитларга эга бўлган яна 660 та тураржой бинолари қурилиши режалаштирилган.

Қурилиш материалларини имтиёзли нархларда сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ҳам талай ишлар бажарилди. Хусусан, икки миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек гипс, алебастр, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йиғма конструкциялар тайёрлайдиган янги корхоналар фойдаланишга топширилди. Шулар қаторида 81 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12 та янги завод ҳам ишга туширилди. Буларнинг барчаси инсон учун, унинг манфаатлари учун қилинаётган эзгу ишлардир.

**Ёдгор АШУРОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

КЎРИК-ТАНЛОВ

# «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

**ЎЗБЕКИСТОН** мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда, босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида анъанавий тарзда «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий танловини ўтказиб келмоқда.

Танловдан кўзда тутилган мақсад мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган демократик жараёнларни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Яқинда «Dedeman» меҳмонхонасининг «Silk Road» мажлислар залида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳамда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсат, яратилган ҳуқуқий асосларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш, бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни кенг ёритиш оммавий ахборот воситалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бу эса, журналистлардан соҳага ихтисослашишни, бу йўналишда замонавий билим-кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Шу ўринда қайд этиш кераки, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан журналистлар малакасини ошириш, матбуотни инсон манфаатларини таъминлаш мавзуларидаги материаллар билан бойитиш борасида қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ўтган вақт давомида қатор семинар-тренинглар ташкил этилиб, уларда журналистларнинг ҳуқуқий соҳадаги билим ва кўникмалари мустаҳкамланди. Шу билан бирга, Фонд лойиҳалари асосида мамлакатнинг турли ҳудудларидаги таҳририятлар томонидан амалга оширилаётган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларнинг аксарияти мазкур соҳага йўналтирилганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» танлови ғолибларини тақдирлаш маросимида қайд этилишича, танловда мамлакатнинг барча ҳудудларидаги 50 дан ортиқ босма оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзининг 600 га яқин мақола ва ижодий ишлари билан иштирок этган. Материаллар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги Фармон ва Қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолининг турли қатламлари онгига сингдиришга қаратилган. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган материаллар ҳам устувор ўрин тутади.

Танлов иштирокчилари учта совринли ўрин учун баҳс олиб боришди. Биринчи ўрин «Андижоннома» вилоят газетаси бош муҳаррири ўринбосари Илҳомжон Эгамназаров ва бўлим мудири Ғолибжон Абдуллаевга, иккинчи ўрин «Қашқадарё» вилоят газетасининг бўлим мудири Абдураззоқ Муродовга, учинчи ўрин «Зарафшон» Самарқанд вилоят газетаси мухбири Маннон Убайдуллаевга берилди. Танлов ғолиблари дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Шунингдек, танловда фаол қатнашган таҳририятларга эсдалик совғалари топширилди. «Mahalla» газетаси таҳририяти ҳам рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.

Қайд этиш лозимки, «Инсон ҳуқуқлари журналистлар нигоҳида» ижодий танлови ва мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиявий қўллаб-қувватланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул вакиллари, босма оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва журналистлар иштирок этди.

**Мухбиримиз**

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

# СИРДАРЁ ШАРБАТИ

**Ўзбекистон—Канада—Буюк Британия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда**

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Сирдарё вилоятида ўнта қўшма корхона очиш ва уларни ишга тушириш режалаштирилган эди. Йил давомида уларнинг учтасини бевосита Сирдарё туманида жойлаштириш бўйича иш олиб борилди. Булар тери маҳсулотларини қайта ишлашга ва керамик плиталар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Пенг-Шенг» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси, мева шарбати ишлаб чиқаришга ихтисослашган «ЖМП Интернейшнл» Ўзбекистон—Канада—Буюк Британия қўшма корхонаси ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «ИнтерМилк» масъулияти чекланган жамиятлардир.

Биз мева шарбати ишлаб чиқаришга ихтисослашган «ЖМП Интернейшнл» Ўзбекистон—Канада—Буюк Британия қўшма корхонаси фаолияти билан танишдик. «ЖМП Интернейшнл» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамият мақомида иш бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Унинг таъсисчилари Ўзбекистон—Канада—Буюк Британия томонлари корхонанинг фаолиятини йўлга қўйиш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишган.

Бугунги кунда бу сармоянинг 3,5 миллион доллари ўзлаштирилди. Натижада корхонанинг биринчи навбати ишга туширилди. Ҳозирги пайтда корхонада уч турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, туманда истиқомат қилаётган юзлаб ёшлар иш ўринлари билан таъминланиб, уларга ўрта ҳисобда 300 минг сўмдан иш ҳақи тўланмоқда.

— Ишга туширилган учта цехда ишни икки сменада ташкил этганмиз, — дейди корхона бош энергетиги Олимжон Ҳакимов. — Ушбу цехларга Италиянинг «Татра Пак» фирмасида ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналар ўрнатилган бўлиб, уларда соатига 24 тонна, бир сменада 240 тоннагача тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган мева шарбатларининг барчасини мамлакатимизнинг ички бозорларига реализация қиляпмиз.

Корхонага мева шарбатларининг хомашёлари, асосан, мамлакатимизнинг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан келтирилаётир. Шуни алоҳида эътироф этиш кераки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораторияларда текширувдан ўтказилмоқда.

2010 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб корхонанинг иккинчи навбати ҳам ишга туширилади. Шундан сўнг корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 90 фоизини четга экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

— Туманимизда мазкур қўшма корхонанинг ишга тушганлиги нур устига нур бўлди, — дейди мамнуният билан «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё туман бўлинмаси раиси Бахтиёр Товбоев. — Биринчидан, юзлаб ёшларимиз иш билан таъминланган бўлса, иккинчидан, эл дастурхони юртимизда етиштирилган асл меваларнинг шарбати билан тўкин-сочин бўляпти. Айниқса, корхонанинг иккинчи навбати ишга тушгандан сўнг иш ўринларининг икки баробар кўпайиши ва туманимизга чет эл валютасининг кириб келишини ҳис этиб хурсанд бўляпмиз. Шубҳасиз, буларнинг барчаси Ватан равнақи, юрт фаровонлигига хизмат қилади.

Бугунги кунда Сирдарё туманида 13 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, яратилган иш ўринлари нафақат туман, вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ТАЪЛИМ

# ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАСКАНИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА** кун сайин таълим соҳаси такомиллашиб, ёшларнинг билим олишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, янги таъмирдан чиқарилган Қорақалпоғистон Республикасидаги Кегайли қурилиш ва ахборот технологиялари коллежи барча қулайликларга эга бўлди.

Айни пайтда коллежда 7 та ихтисослик бўйича 758 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини бойитиш учун 5 та лаборатория, ўқув ишлаб чиқариш устахонаси, компьютер хоналари мавжуд. Улар зарур жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланган. Жумладан, 88 та мавзудаги электрон қўлланмалар дарс жараёнида ўқувчиларга енгиллик туғдирмоқда.

Коллеж ўқувчилари спортга катта қизиқиш билан қарашади. Хусусан, жорий йилда Б.Сапарбаев "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармаси томонидан ташкил этилган Қорақалпоғистон очиқ биринчилигида спортнинг муай-тай тури бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Коллежда таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига байрамларда ўқув маскани ҳамда ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилиб келинаётир.

**Қонисбой РЕЙМОВ**

ЗАМОН ИЗЛАНГАННИКИ

# ҚАЙТА ТИКЛАНАЁТГАН ТАРМОҚ

**маҳсулоти сердаромад, ортганини экспортга ҳам чиқариш мумкин**

Паррандачиликни етти хазинанинг бирига қиёслашади. Бу бежиз эмас. Аҳолини тухум ва сифатли парҳез гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда мазкур тармоқнинг ўзига хос ўрни бор. Ўрта Чирчиқ туманидаги паррандачиликка ихтисослашган фермалардан бири ҳақида ўша кезларда газетага мақола ёзишга тўғри келганди. Аниқ эсимда, 80 нафардан зиёд кишини доимий иш билан таъминлашидан ташқари, корхона ҳар куни фақат тухумнинг ўзидан бир миллион сўмдан зиёдроқ маҳсулотни шартнома асосида сотарди. Демак, бу бир йилда 365 миллион сўм, етиштирилган парҳез гўшт билан қўшиб ҳисобланганда эса, 1 миллиард сўм, дегани.

**Моҳиятни тўғри англаган минглаб хонадонлар аҳли аллақачон оёққа туриб олган: мол ва парранда бош сонини кўпайтириб, маҳсулот етиштиряпти, ўз хонадонидагиларни иш билан таъминлаяпти.**

Муҳими, шу атрофдаги "Янги ҳаёт", "Қайтмас" каби маҳаллалар аҳли ҳам фабрикадан ўрнак олиб, ўз хонадонларида товуқ парваришига эътиборни кучайтиришганди. Айтишларича, бироз аввал ана шу корхона иқтисодий инқирозга учрабди. Сабаби, дон комбинатларида зарур таркибий моддалар йўқлигидан паррандалар учун меъёрдаги 18-22 фоизли протеин моддаси бор омухта ем ўрнига, сифати паст озуқа ишлаб чиқарилган ва бунинг оқибатида маҳсулот етиштириш сурати кескин камайган. Аслида эса ишлайман, тадбиркорлик қиламан, дегувчи ишбилармонга булар баҳона бўлолмайди.

Ҳукуматимиз кейинги даврда соҳани қайта тиклаш учун барча саъй-ҳаракатларни қиляпти. Хусусан, ўтган ва жорий йилларда деярли барча туманларда паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлар ташкил этилди. Масалан, Андижон вилоятининг Асака туманидаги "Парпи-саховати" номли фермер хўжалигини шу жойда яшовчилар яхши билишади. Собиқ ширкат хўжалигининг ташландиқ ҳолга келиб қолган чорвачилик фермаси хусусийлаштирилиб, бинолар таъмирланиб, паррандачиликка қўл урилди. Соҳа мутахассисларини жалб қилиб, билмаганларини ўрганишди ва бу борадаги илғор технологиялар қўлланди. Шу аснода, четдан "Родина — 3" деб номланган жўжалар сотиб олиниб, парвариш қилина бошланди.

Чин кўнгилдан ишга киришилса, самараси ҳам шунга лойиқ бўларкан. Ҳозир хўжалик бисотида 20 минг бошдан зиёд товуқ бор. 18 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Асосийси, ҳар куни 1,5 миллион сўмликдан зиёд парҳез маҳсулот аҳолига етказиб беряпти. Ҳар йили соф фойда ҳисобидан тармоқ кенгайтириляпти, ён-атрофидаги бешта маҳаллада яшаётган 12 та кўп болали, 4 та кам таъминланган ва 3 нафар қарамоғида ҳеч кими йўқ кишиларга саховат кўрсатилади. 3 та болалар боғчаси ҳамда 2 та мактабнинг ҳомийлик ишларига хўжалик доимо бош-қош. Бундан ташқари, бу ерда жўжа етиштириш ҳам пухта ўзлаштирилган. Андижондаги кўплаб маҳаллаларда яшовчилар унинг жўжаларидан олиб парваришлаб, кам бўлишмаяпти.

Давлатимизнинг чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган қароридан сўнг фермер хўжаликлари қаторида хонадонларда ҳам бу масалага жиддий киришилди. Маҳаллалардаги фаоллар ва ҳомийлар ҳамкорлигида кам таъминланган, кўп болали оилаларга сигир, парранда ва бошқа жониворлар олиб берилди. Асосий мақсад эса ўз-ўзини таъминлаш ва ортганини бошқаларга улашиб, маъмурчилик манбаини яратишдан иборат эди. Моҳиятни тўғри англаган минглаб хонадон аҳли аллақачон оёққа туриб олган: мол ва парранда бош сонини кўпайтириб, маҳсулот етиштиряпти, ўз хонадонидагиларни иш билан таъминлаяпти.

Масалан, Шаҳрисабз туманидаги Мўминобод маҳалласида яшовчи кўп болали оилалардан бири — З.Ашуровга маҳалла ва ҳомий кўмагида сигир бузоғи билан ҳамда 10 бош товуқ ҳадя қилинганди. Орадан икки йил ўтди. Ҳозир шу хонадондан 2 киши иш билан таъминланган, туман бандликка кўмаклашиш маркази ёрдамида меҳнат дафтарчаси юритиляпти. Қувонарлиси, чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига 2 бош моли 6 бошга, товуғи эса 100 тага кўпайган. Рўзғордан ортганини бозорга олиб чиқмоқда.



Бир сўз билан айтганда, ҳар соҳанинг ҳам сир-асрори бор. "Ҳолва" деган билан оғиз чучимайди. Кунни тунга улаш, мурғак жўжани парваришлаш ва ундан маҳсулот етиштириб, истеъмол бозорини яратиш, одамларни иш билан таъминлаш — буларнинг замирида меҳнат ва беҳаловат тунлар ётгани турган гап. Иштиёқ ва интилиш бор жойда ҳар нарсага эришиш мумкин. Фақат эътибор ва масъулият ҳис қилинса кифоя. Ана кўрасиз, узоқ борса олти ой ёки бир йилда ихтисослашган фермерлардаги каби бўлмаса-да, аммо хонадонлар катаги товуққа лиқ тўлади. Ўшанда бозорлардаги шу маҳсулотларнинг нархи камида тенг ярмига арзонлашишига шубҳа йўқ. Бундан ташқари, валюта ҳисобига четдан келтирилаётган «окарачка»ларга ўрин қолмасдан, аксинча, истеъмолдан ортганини четга экспорт қилиш имкони туғилади. Шунингдек, шароити ва имконияти бор хонадонда беминнат жонивордан 100 тадан парваришланган тақдирда, ҳисоблаб кўринг-чи, қанча янги иш ўринлари яратилиши мумкин бўлади?

**А.БЕРДИЕВ,**
**журналист.**

# ЯНГИ МАЖМУА БАЙРАМ СОВҒАСИ

Мамлакатимизда замонавий шаклда қад ростлаётган бинолар, иншоотлар шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшаётир. Бундай улкан ишлар якунланиб бораётган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоят маҳаллаларида ҳам изчил амалга оширилгани, бунёдкорлик ишлари давом эттирилаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, Навоий вилоятида ҳам маҳалла марказлари қурилишига алоҳида эътибор берилиб, ўтган давр мобайнида туман миқёсида бири биридан кўркам маҳалла марказлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Яқинда Қизилтепа туманидаги «Бўлакработ» маҳалласида «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси, ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар, фаоллар ташаббуси билан замонавий маҳалла маркази қад ростлади. Барча қулайликларга эга бу гузардан милиция таянч пункти, маънавият ва маърифат хонаси, турли тадбирларни ўтказишга мўлжалланган кенг ва шинам зал жой олган.

— Айни пайтда мажмуанинг ишга туширилиши маҳалладошларга байрам совғаси бўлди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Шарофат Кенжаева. — Бунинг учун ҳомийлар томонидан 70 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳар бир ходим учун алоҳида хона ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.



Қувонарлиси, янги 2010 йилда марказ қошида ўғил-қизларимизни касб-ҳунарга ўргатувчи турли тўгараклар, ўқув марказлари, шунингдек, тўйхона, савдо ва маиший ҳизмат кўрсатиш шохобчалари ишини йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ФАОЛЛАРИМИЗ

# ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги комиссиялар маҳалла ҳаётининг асосий йўналишларини тўла қамраб олади. Хусусан, Жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлаш комиссияси ҳам фуқаролар йиғинлари ҳаётида муҳим ўрин тутади. Жойларда ижтимоий, маънавий муҳит барқарор бўлиши, аҳолининг ҳуқуқий маданияти янада юксалиши, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаб етиши жазони ўташ муассасаларидан қайтган шахсларни фойдали меҳнатга жалб этиш каби вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан комиссия иши қай даражада йўлга қўйилганига боғлиқ.

— Комиссия номидан маълумки, — дейди Хива тумани Янгиобод шаҳридаги "Гулирайҳон" маҳалласи оқсоқоли, ҳудуддаги мазкур комиссия раиси Шавкат Нуриллаев, — унинг таркибига профилактика нозири, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси сардори, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи киритилади. Баъзан йиғиндаги комиссияларнинг вазифалари бир-бирига ўхшаб кетади. Аслида, бундай эмас. Оқсоқол, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи деярли барча комиссиялар ишида фаол иштирок этади. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки улар тизимдаги барча вазифалар ижросини таъминлашда масъулдир.

**... оқсоқол Шавкат Нуриллаев жамоат тинчини бузадиган, тўй-ҳашамларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, осудаликка рахна солаётган шахсларни тартибга солишнинг энг мақбул усули уларни иш билан таъминлаш, деб ҳисоблайди.**

Демоқчиманки, ушбу комиссия фаолияти, бошқаларидан фарқли равишда, ҳудудда тинчлик-хотиржамликни, жамоат хавфсизлигини сақлашга, тегишли ташкилот ва муассасалар кўмагида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

"Гулирайҳон"да комиссия икки гуруҳга бўлинган. Яъни бир гуруҳ жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланса, бошқаси жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлайди. Йиғин мутасаддиларининг ҳикоя қилишларича, жазо муддатини ўтаб қайтганларни ишга жойлаштириш масаласи комиссия эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Айтиш жоизки, бугун комиссия ўз олдига қўйган вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқда. Улар ўз фаолияти давомида илғор тажрибалар тўплашга эришди. Жумладан, оқсоқол Шавкат Нуриллаев жамоат тинчини бузадиган, тўй-ҳашамларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, осудаликка рахна солаётган шахсларни тартибга солишнинг энг мақбул усули уларни иш билан таъминлаш, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, раис соҳада мураккаб муаммолар юзага келмаслиги учун тушунтириш ишларига ҳудудда истиқомат қиладиган ўқитувчи ва шифокорларни кенг жалб этган. Энг асосийси, у маҳалладаги ҳар бир оиланинг тўю тадбирларида, маъракаларида иштирок этиб, маҳалладошларининг оғирини енгил қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Шу сабабдан аҳоли уни ҳурмат қилади, эътиборини қозонишга, гапини ерда қолдирмасликка интилади. Шубҳасиз, оқсоқол эришган обрў-эътибор тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини оширишда, берилган топшириқлар ўз вақтида бажарилишида асқатади.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# БАҒРИКЕНГЛИК ФАЗИЛАТИ БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

**2009 ЙИЛ** халқимиз, мамлакатимиз шонли тарихида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Аввало, ушбу йилда энг улуғ байрамимиз — Мустақилликнинг 18 йиллигини нишонладик. Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги дунё миқёсида тантана қилинди. Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали еттинчи бор ўтказилди. Президентимиз ташаббуси билан йилимизнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши мамлакатимиз ҳаётида туб бурилишлар даврини бошлаб берди

Кишилик жамияти ташкил этилганидан буён «марказ» чекка ҳудудларни тасарруф этиб келган. Яъни шаҳар қишлоқ устидан ҳукмини ўтказган. Бу ҳолат дунёдаги айрим давлатларда ҳамон давом этмоқдаки, баъзи марказий шаҳарлар билан чет қишлоқлар ўртасида 50-60, ҳатто, 80-100 йиллик фарқни кузатиш мумкин.

Қишлоқнинг шаҳардан бу қадар ортда қолишини турмуш тарзининг барча соҳаларида кўриш мумкин. Масалан, коммунал хизматлар соҳасида ёки тоза ичимлик суви таъминотида. Хуллас, шаҳар ҳаёти кўпинча анча илғор бўлиб келган. Буни жамиятнинг ўзига хос қонунияти, дейиш ҳам мумкин. Ўзбекистон раҳбарияти ана шу тафовутларга янгича нигоҳ билан қаради. Меҳнатнинг оғирини бажарадиган, ризқ-рўз, насиба яратиб, мамлакатни боқаётган қишлоқ аҳли ҳам шаҳарликлардек яшашга, улардаги қулайликларга эга бўлишга ҳақли, деб билди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ қишлоқ йўлларини созлаш, хонадонларни табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий, маданий хизматни кучайтириш, спортни ривожлантиришга давлат аҳамиятидаги масала сифатида қарала бошланди. ҚВПлар, коллежлар, спорт иншоотлари, маъмурий бинолар қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартира бошлади. Қишлоққа бўлган бугунги муносабат эса ана шу ҳаракатнинг изчил давоми сифатида янги — қишлоқ юксалиши даврини бошлаб берди. Шунинг учун ҳам қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовутни қисқартириб бориш борасидаги «ўзбек модели» дунё халқларида қизиқиш, очиқроғи, ҳавас уйғотмоқда.

Йилимизнинг энг муҳим воқеаларидан яна бири халқимизнинг она табиатга, ер, сув, ҳаво, қўйингки, бутун борлиққа бўлган муносабатларига олтин пойдевор яратилганлигидадир. Ўзбекистон экологик ҳаракати оёққа турди, қонуний таянчга эга бўлди. Ушбу ҳаракатни қўллаб-қувватлаш, хайрли фаолиятини жонлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига сайловларда экоҳаракат учун 15 нафар депутатни ўз конференцияларида сайлаш имконияти берилдики, буни фақат олқишлаш лозим.

2009 йил яна шуниси билан ҳам шарафли йилдирки, у хайрли бошланди ва сайловлар йили сифатида хайрли якунланмоқда. 27 декабр куни туман, шаҳар, вилоят, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказдик. Бу галги сайловлар халқимизнинг сиёсий онги ўсганлиги нуқтаи назаридан очиқ-ошкора, демократик тамойиллар асосида, кўтаринки руҳда ўтгани қувонарли.

2009 йилги сайловлар қатор жиҳатлари билан республикамизда сайлов тизими тобора такомиллашиб бораётганидан дарак беради. Буни Қонунчилик палатаси депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага ошганлигида, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти тугатилганлиги, айтиб ўтганимиздек, 15 та депутатлик ўрнининг экологик ҳаракат вакилларидан сайланиши белгилаб қўйилганлиги, сиёсий партиялар ваколатли вакили институти жорий этилганлиги, номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилганлиги, энг муҳими, сайловчилар сиёсий фаоллиги ошганлигида яққол кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда инсонпарварлик, аҳолининг кам таъминланган қатламини, қаровчисиз, якка-ёлғиз қарияларни, етим-есирларни ижтимоий ҳимоя қилиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Меҳр-мурувватга, ёрдамга муҳтожлик сезаётганлар эса ҳар бир маҳаллада бўлиши мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака маҳалласи тинч, обод маҳаллалардан ҳисобланади. Бироқ, турмуш экан-да, бу ерда ҳам меҳр-саховатга муҳтож кишилар бор. Уларга ғамхўрлик кўрсатиш эса маҳалланинг, маҳалладошларнинг бурчидир.

Ушбу маҳаллада 2009 йилнинг ўтган даврида кам, ўртача таъминланган 121 оиланинг коммунал тўловлари учун 21 миллион сўм ёрдам ташкил этилди. Баҳодирхон, Мир Саид Барака кўчаларида истиқомат қилаётган Самадова Марҳабо, Бердиева Сайёра, Барноева Озода сингари инсонларнинг ҳар бирига 450-600 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. СамДУ талабаси Улашев Акбарнинг ўқув шартномаси тўловлари ҳам маҳалла томонидан тўлаб келинмоқда. Маҳалланинг коммунал тўловларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ташаббуси, тажрибалари 2007 йил 29 сентябрда Олий Мажлис Сенатида кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Муҳтож оилаларга рўзғор буюмлари, фарзандларига кийим-бош олиб бериш учун 7 миллион сўм сарфланди. Бунча пул, маблағ қаердан олинмоқда, деган савол туғилиши мумкин. Айтиш лозимки, бундай хайрли ишлар саховатпеша тадбиркорлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Халқимизга хос бўлган бағрикенглик, мурувват кўрсатиш фазилатларининг ўзи бебаҳо бойлигимиздир. Унга асло кўз тегмасин.

**Суннат ҚЎБАЕВ,**
**Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака маҳалласи раиси,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИ

# ҲАР БИР ИШДА ҲАМЖИҲАТ

Мирзо Улуғбек туманидаги "Дархон" маҳалласи энг кўркам ва қадимий маҳаллалардан саналади. Унинг номи маҳалла ҳудудидан оқиб ўтган Дархонариқдан олинган. Дархонариқ каналининг қадимий номи Тархон Сайёд ариғи бўлиб, Тошкент вилояти ва шаҳридан ўтувчи Салор каналининг ҳозирги темир йўл кўпригидан юқорироқдаги ўнг қирғоғидан бошланган. Афсуски, 1950 йил охирида унинг юқори ўзани текислаб юборилиб, қолган қисми Оққўрғон каналининг чап шохобчасига айлантирилди. Дархонариқда 3 қайнама (дюкер), 7 қувур-кўприк, 9 тармоқ бор. 1865 йил 8 майдаги чор Россияси қўшинлари билан Тошкент мудофаачилари ўртасидаги жанг ҳам Дархонариқнинг ўнг соҳили (ҳозирги Ниёзбек ва Пушкин кўчаси яқини)да бўлиб, "Дархон жанги" номини олган.

Аслида «дархон» сўзи мўғулча «тархон» сўзидан олинган бўлиб, темирчи, косиб, озод киши маъноларини билдиради. Дархон Чингизхон ва унинг ворислари томонидан ҳукмрон синф вакилларига, ҳокимларга, алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга бериладиган унвон бўлган. Дархон имтиёзига эга бўлган киши ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган, улуғ хон ҳузурида бўлиш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳатто улар жиноят қилиб қўйганида ҳам, бундай жиноят 9 марта содир бўлгунча жавобгарликка тортилмаган. Дархонлар мўғуллар, темурийлар ва шайбонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқда кенг тарқалган эди.



Қадимда "Дархон" маҳалласи ҳудудида 15 та хонадон ҳамда кўпгина дала ҳовлилар жойлашган бўлиб, аҳолиси асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Дархонариқдан ичимлик суви ҳамда суғориш ишларида кенг фойдаланилган. Кейинчалик бу ерга "Қиёт", "Қашқар" маҳаллаларидан кўпгина оилалар кўчиб келган. 1956 йилга келиб ҳозирги "Дархон" маҳалласи пайдо бўлган.

Айни пайтда 33 та кўпқаватли уй, 17 та кўчадан иборат бу маҳаллада 3365 нафар турли миллат вакиллари истиқомат қилмоқда.

— Маҳалламиз тарихий ном билан аталишидан фахрланамиз, — дейди "Дархон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобилжон Мирнигматов. — Яқин йилларда ҳам маҳалламиз ҳудудида Дархонариқнинг ирмоқлари сақланган эди. Болалигимизда шу ариқларда чўмилиб юрардик. Ҳозирда маҳалламизда 8 та уруш, 10 та афғон уруши қатнашчилари истиқомат қилишади. Айтиб ўтиш кераки, маҳалла аҳли ҳар бир ишда доимо ҳамжиҳат.

Дарҳақиқат, маҳалла раиси билан суҳбатлашаётган пайтимизда, маҳаллага машинада гуруч келтирилди. Маҳалла фаоллари гуруч улашилиши лозим бўлган кам таъминланган оилалар рўйхатини тузишга киришишди. Айни пайтда, кўпқаватли уйларни иссиқлик билан таъминлашда ҳам маҳалла аҳли фаол қатнашмоқда.

**Моҳичеҳра Латипова,**
**"Mahalla" мухбири.**

АСОСИЙ ТУШУНЧА

# ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИ

**МАҲАЛЛА** фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига биноан, маҳаллаларда ҳомийлик кенгаши тузилади.

Ҳомийлик кенгашининг таркиби маҳалла фуқаролар йиғинининг қарори билан тасдиқланади. Ҳомийлик кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳомийлик кенгаши аъзоларининг фаолиятини ташкил қилиш;
- ҳомийлик кенгаши иш режасини тузиш;
- маҳалла ҳудудидаги ҳомий корхона ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан яқин алоқада бўлиш;
- маҳалла ҳудудида жойлашган мактабгача тарбия, мактаб ва тиббиёт муассасаларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш.

Ҳомийлик ёрдамини кўрсатувчи корхона, ташкилот ва бошқа юридик шахслар моддий ёрдам сифатида маҳаллага озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳудудни ободонлаштириш учун қурилиш материаллари, мебель, жиҳозлаш инвентарлари олиб бериш ва бошқа моддий ёрдам кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, комиссия ҳомийлар томонидан ажратилган моддий бойликларнинг ҳисобини олиб боради, харажатларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиради.

Расмийлаштирилган ҳужжатлар фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тасдиқланади ва кўрсатилган харажатлар маҳалланинг моддий бойликлари захирасидан чиқарилади. Шунингдек, комиссия тегишли низомдан келиб чиққан ҳолда, бошқа кўринишдаги ҳомийлик ёрдамларини ҳам амалга ошириши мумкин.

**"Маҳалла фуқаролар йиғини тизимининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш услублари" китобидан олинди.**

УЧАСТКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# ҲАМИША ҲУШЁР ВА СЕРГАКЛИК БИЛАН

Қўшкўпир туманининг Хадра қишлоғида истиқомат қилувчи Сафарбой аканинг фарзанди тўйига атаб боқиб юрган ҳўкизини кимдир кечаси ўғирлаб кетди. Эрталаб туриб қараса, молхона бўм-бўш. Сафарбой ака худди Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Ўғри» ҳикояси қаҳрамони Қобилбобога ўхшаб ҳанг-манг бўлиб қолди. Ахир, тўйга бир ҳафта қолганди. Ҳўкизнинг пулига қанчадан-қанча харажатларни битиришни режалаштириб юрганди. Бироқ Сафарбой ака Қобилбободек тўрт томонга елиб-югурмади. Дарҳол участка профилактика инспектори Қуролбек Аҳмедовга мурожаат қилди.

— Ҳечам куюнманг, ота, — деди инспектор хонадон соҳибига тасалли бериб. — Ўғри ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди. Уни, албатта, топамиз.

Қуролбек Сафарбой отанинг ҳолатини, кўнглидан нималар ўтаётганини дилдан ҳис қилди ва дарҳол ҳўкизни топиш чораларини кўра бошлади. Бегона маҳалладан кимдир келиб, ўғирликка қўл уролмаслигини билган инспектор, аввало, ҳудуддаги тайинли иш билан шуғулланмайдиган фуқароларни назоратга олди. "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси аъзолари билан келишган ҳолда тунги навбатчиликни ташкил этди. Кўп ўтмай ҳўкиз ўғриси топилди. У Сафарбой ака билан ёнма-ён кўчада яшаётган, белини оғритмай пул топиш пайида юрган Икром Бобожонов (исм-шарифи ўзгартирилган) экан. Мол эгасига қайтарилди...

Участка инспектори Қуролбек Аҳмедов ўз фаолияти давомида бу каби жиноятларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида жонбозлик кўрсатиб келади. Шу сабабли хадраликлар инспекторни доимо ҳурмат билан тилга олишади.

— Қуролбек ҳамиша ҳушёр ва сергак, — дейди "Хадра" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Полвон» маҳалласи оқсоқоли Умаржон Матниёзов. — Маҳалламизда Илҳом Отажонов деган йигит бор эди. Отаси кўп йиллар ўқитувчилик қилган зиёли инсон. Аммо Илҳом оиласига ҳам, маҳалламизга ҳам доғ туширди. Одам савдосини касб қилиб олиб, алдов ва фирибгарлик йўли билан кўп йигитларни Қозоғистонга олиб кетиб, ишлаган ҳақини бермай, сарсон-саргардон қилди. У ҳеч тутқич бермай юрарди. Қуролбек уни ўн бир нафар йигитни алдаб, Қозоғистонга жўнатаётганида ушлаб, ички ишлар бўлимига топширди.

Қуролбек асли Қўшкўпирнинг Туркманистонга туташ Ғозот қишлоғидан. Илгари у вилоят ички ишлар бўлимида махсус топшириқларни бажарувчи алоҳида гуруҳда хизмат қилди. Ҳушёрлиги, шижоати, жасурлиги билан ҳамкасблари орасида эътибор қозонди. Унга катта ишонч билдирилиб, капитан унвони берилди. Қўшкўпир туман ички ишлар бўлимига масъул вазифага ишга йўллашди. Олти йил ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимида ғайрат билан ишлади. Беш йилдирки, Хадра қишлоғида профилактика инспектори бўлиб фаолият юритиб келмоқда. Шу давр ичида у қишлоқ фарзандига айланди.

— Қишлоғимизда ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Султонбой Матниёзов. — Қуролбекни каттаю кичик яхши танийди. Чунки қишлоғимиздаги тинчлик-хотиржамлик, осойишталикни таъминлашда унинг хизмати беқиёс. Ҳудудимизда қинғир йўлга қадам қўйганлар Қуролбекдан қочиб қутила олмайди. Яқинда наркотик моддалар сотиш билан шуғулланувчи шахсни қўлга туширди.

Қишлоқ ҳудудидаги тўртала маҳалла аҳли ҳам инспектор ҳақида яхши фикрлар билдиришди. Қуролбекнинг ўзи эса, Анвар Иброҳимов, Абдушариф Абдуллаев каби посбонлар, Насиба ва Шукуржон Худойбергановалар, Анбаржон Саидмаҳмудова сингари маслаҳатчилар, қолаверса, Ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш, Яраштириш комиссиялари аъзолари билан ҳамкорлик яхши натижалар бераётганини таъкидлайди. Бугунги кунда инспектор маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни янада кучайтирган ҳолда астойдил хизмат қилмоқда.

**Абдулла САФОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

# КАМОЛОТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида оила—маҳалла—мактаб ҳамкорлигининг ўрни беқиёс. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳамкорликни тарбиядаги уч муҳим ҳалқа, дейиш мумкин.

— Умумтаълим мактабларида шу пайтгача «Баркамол авлодни тарбиялашда оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги концепсияси»га амал қилиб келинарди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлимининг бош мутахассиси Сайёра Удаева. — 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, Хотин-қизлар қўмитасининг «Умумтаълим мактабларида «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлик марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма буйруғи чиқди. «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлик марказларининг Низоми ишлаб чиқилди. Умумтаълим мактабларида ҳамкорлик марказлари учун алоҳида хона ажратилиб, у низом талабларига кўра жиҳозланди.



Биз Гулистон шаҳрида жойлашган 8-умумтаълим мактабидаги «Оила— маҳалла—мактаб» ҳамкорлик маркази билан танишдик. Марказда мактаб раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, мактаб жойлашган У.Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва маҳалладаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшлар етакчиларини иш устида учратдик.

> **«Саховатли болалар» ҳаракатининг аъзолари маҳаллада умргузаронлик қилаётган ёлғиз қарияларнинг хонадонига ташриф буюриб, уй юмушларига қарашаётган бўлса, «Маҳалламиз ободлиги — эл-юрт ободлиги» ҳаракатининг аъзолари мактаб гулхонасида бир неча минг туп гулни уруғидан ўстираётган экан.**

— Мактабимиздаги ҳамкорлик марказида ишлар намунали йўлга қўйилган, — дея гап бошлади мактаб директори Барно Шодмонқулова. — Биринчидан, мактабдаги «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлик маркази намунали тарзда жиҳозланган, қолаверса, бу ерда амалга оширилган ҳар бир ишни слайдлар ёрдамида намойиш этиш имкониятига эгамиз.

Марказ қошида «Саховатли болалар», «Зулфияхоним қизлари», «Спорт — тинчлик элчиси», «Маҳалламиз ободлиги — эл-юрт ободлиги», «Оила психологияси ва фарзанд тарбияси», «Бўш вақтни мазмунли ташкил этиш», «Вояга етмаганлар билан ишлаш», «Миллий қадриятлар ва урф-одатлар» каби ҳаракатлар ташкил этилган. Бу ҳаракатларнинг фаолият доираси деворий фото лавҳаларда ўз аксини топган.

Амалга оширилаётган ишлар салмоғини нафақат суратларда, балки амалда ҳам кўриш мумкин. Масалан, «Саховатли болалар» ҳаракатининг аъзолари маҳаллада умргузаронлик қилаётган ёлғиз қарияларнинг хонадонига ташриф буюриб, уй юмушларига қарашаётган бўлса, «Маҳалламиз ободлиги — эл-юрт ободлиги» ҳаракатининг аъзолари мактаб гулхонасида бир неча минг туп гулни уруғидан ўстираётган экан. Бу гуллар кўкламда маҳалла кўчаларининг бўйларига кўчириб экилади.

— «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлик марказининг фаолиятидан мамнунмиз, — дейди У.Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Камол Жўраев. — Марказ иш бошлагандан бери маҳалламиз ҳудудидаги болалар анча интизомли, тартибли бўлиб қолишди. Айниқса, уларнинг умумхалқ ҳашарларидаги иштироки, маҳалла ободончилиги, ариқ ва сув йўлларини тозалашда фаол қатнашаётгани бизни қувонтирмоқда. Энг муҳими, маҳалламиз болалари ўртасида безорилик, тартиббузарлик кескин қисқарди, жиноятчилик барҳам топди.

«Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлик маркази мактабда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳақида маълумотлар базасини яратишга эришди. Уни кўздан кечириб, таълим масканида ўқиётган ҳар бир ўқувчининг дўстлари ким, хулқ-атвори қандай, қизиқишлари, жамоат ишларидаги иштироки, қўйингки, бутун ички ва ташқи дунёсидаги фазилат ва қусурларини ойнада кўргандек билиб олса бўлади. Худди шундай маълумотлар уларнинг ота-оналари ҳақида ҳам жамланган. Бундай ёндашув марказ ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан самарали иш олиб боришда катта ёрдам бермоқда.

**Тошпўлат ХАЙИТБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

БУГУННИНГ ГАПИ

# БОЛАНИНГ БОЛАЛИГИНИ УНУТМАЙЛИК

**АЯНЧЛИ** воқеага гувоҳ бўлдим. Мендан сал нарида ўйнаётган болалардан бирининг қўли ва юзи қаттиқ куйиб қолди. У қўлида ёниб турган пақилдоқни ташлай олмай қолган экан. Болани кўтариб, поликлиникага чопдим. Касалхонага ётқизишди.

Бу – автобусда мен билан ёнма-ён ўтирган йўловчининг гапи. У нега пиротехника воситалари кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини, фарзандларимизнинг соғлиги ва руҳиятига жиддий зиён етказишини била туриб, бу нарсани харид қиламиз, болаларимиз тақдирига шунчалик эътиборсиз қараймизми, деб куюниб гапирди.

Дарҳақиқат, болаларга бир лаҳзалик "завқ улашувчи" бу воситанинг кўп ҳолларда уларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатишини ким билмайди. Қиш кириши билан пиротехника воситаларининг савдоси авжига чиқади, айниқса, Янги йил байрами арафасида айрим "тадбиркор"ларнинг иши юришиб қолади.

Шу боис тегишли вазирлик ва идоралар томонидан пиротехника воситаларининг юртимизга кириб келиши ва ноқонуний савдосининг олдини олиш борасида изчил ишлар амалга оширилиб, таълим муассасалари ва маҳаллаларда унинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Бектемир тумани халқ таълими бўлимининг маълумотига кўра, туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида Янги йил байрамини кўнгилдагидек ўтказиш, бинoларнинг ёнғин ва техника хавфсизлигини таъминлаш, ўқувчиларга пиротехника воситаларини "ўйнаш" оқибатида келиб чиқадиган салбий ҳолатлар ҳақида давра суҳбатлари, тарғибот викториналари олиб борилмоқда.

Пиротехника воситалари болалар қўлига тушиб қолишининг олдини олиш нафақат тегишли идоралар вакиллари, балки ота-оналарнинг ҳам зиммасига катта масъулият юклайди. Улардан фарзандларига эътиборли бўлиш талаб қилинади. Чунки боланинг бола эканини, у ҳамма нарсани ҳам чуқур ўйлаб кўрмаслигини унутмайлик. Бу борада тумандаги Нурафшон, Роҳат, Бинокор, Бектемир, Зилола маҳаллаларида ўқитувчилар ва маҳалла фаоллари, профилактика нозирлари иштирокида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Қўйлиқ бозори ёнида жойлашган Нурафшон маҳалласида эса тегишли идоралар билан бирга рейд ўтказилиб, 3180 пиротехника воситаси олиб қўйилди.

Бундай тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

# АҲДГА СОДИҚЛИКНИНГ МУКОФОТИ БОР

**ЎША КУНИ** Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Хўжатепа маҳалла гузари ҳар қачонгидан кўра гавжум бўлди. Маҳалладошлар илғор пиллакор, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Юртбошимизнинг Фармонига биноан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвонига сазовор бўлган Дилоромхон Мамажонова билан учрашувга йиғилишган эди.

— Дилоромхон, биз сизни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор қизғин муборакбод этамиз, — деди учрашувда маҳалла оқсоқоли Бектемир Жумабоев. — Бизга Тошкентдан олган таассуротларингизни сўзлаб берсангиз.

> **“...пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини, янги қурилишларни бориб кўрдим. Маҳобатли «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Мен ҳозир ҳам ана шу ҳаяжонли лаҳзалар таъсирида яшаяпман...”**

Дилоромхон Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллиги арафасида Тошкентда бўлиб қайтган эди. Энг ҳаяжонли воқеа фахрий унвон гувоҳномаси ва нишонини Оқсаройда Президентимиз Ислом Каримов қўлидан олгани бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон пилла хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшган Дилоромхонга мукофотни топшириб, пилла етиштиришни янада кўпайтиришимиз зарурлигини таъкидладилар. Чунки ўзбек ипагига дунёдаги энг мусаффо, биологик соф маҳсулот сифатида қизиқиш ортиб бормоқда.

— Мен Юртбошимизга бундан кейин ҳам астойдил ишлашга сўз бердим, оддий меҳнат кишисига кўрсатилган юксак иззат-икром учун раҳматлар айтдим, — деди Дилоромхон. — Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини, янги қурилишларни бориб кўрдим. Маҳобатли «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Мен ҳозир ҳам ана шу ҳаяжонли лаҳзалар таъсирида яшаяпман, чунки меҳнатимнинг бунчалар юксак қадрланганини учун Юртбошимизга, давлатимизга раҳмат!

Дилоромхон асли туманнинг Қўштепа қишлоғидан. Онаси Қундузхон опа илғор пиллакор бўлган. Бундан ўттиз бир йил олдин хўжатепалик Ботиржон акага турмушга чиққан. Раҳматли қайнанаси Пошшахон ая ҳам онаси каби тажрибали пиллакор эди. Шунинг учун келини билан ҳамиша фахрланиб юрарди. Чунки оила ҳар йили ипак қурти парваришлаб, яхшигина даромад, мукофотлар оларди. Ўтган йиллар давомида Дилоромхон тажрибали пиллакор бўлиб етишди. У ҳам қайнанаси каби ҳар йили режани ошиғи билан бажариб келади. Бу йил ҳам икки қути қурт уруғидан 120 килограмм юқори сифатли пилла топширди.

Ипак қурти парвариши мавсумий иш бўлса-да, ундан сифатли ва юқори ҳосил олиш учун оиланинг барча аъзолари бирдек меҳнат қилиши керак. Бу оилада ҳам 92 ёшли қайнотаси Мадаминжон ота барча ишга бош-қош. Турмуш ўртоғи — туман газлаштириш идораси ходими Ботиржон, ўғли — туман давлат солиқ инспекцияси ходими Мухторжон, келини — лицей ўқитувчиси Сайлихон, кичик ўғли — лицей ўқувчиси Саидакбарлар барг кесиш, сўкичаклардан эски ғонларни олиш, жойларни кенгайтириш, қуртхоналар тозалигини таъминлаш билан машғул бўлишади. Дилоромхон эса кечаю кундуз қуртларнинг аҳволини кузатиб боради. Ҳамма чарчаб, ухлаб қолган ярим тунда қуртларга барг солишни яхши кўради.

— Менинг биринчи устозим онам Қундузхон бўлса, чинакам устозим қайнанам Пошшахон ая бўлган, — дейди Дилоромхон биз билан суҳбатда. — Юксак мукофотга эришишимда қайнанамнинг хизматлари катта. Мен у кишидан ипак қурти парваришидаги нозик жиҳатларни ўрганганман. Энди билганларимни келиним Сайлихонга ўргатмоқдаман. Қизларим Дилдора, Шаҳноза, Гулноза ва Ҳакималар ҳам касби ўқитувчи, шифокор, чевар бўлишларига қарамай, пиллачиликка меҳр қўйишган. Ҳар йили ўз оилаларида ипак қурти боқишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ипакчиликка ихтисослашган «Козимжон Аҳмедов ипаги» фермер хўжалигининг ҳар бир пиллакори, ҳар бир аъзоси Дилоромхонни ўзининг устози, деб билади. Дилоромхон шу кунларданоқ келгуси йил ҳосили ташвиши билан банд. Унинг айтишича, чилла кириши билан тутзорни озиқлантириб, сўнг чилла сувига қондириш лозим. Янги йилнинг бошида янги мавсумда қурт боқувчи хонадонларни аниқлаш, инкубаторияни таъмирлаш ишларига киришиш, пиллакорларнинг ўқишларини ташкил этиш зарур.

Дилоромхон 2010 йилда уч қути ипак қурти парваришлаб, энг камида 200 килограмм пилла етиштиришга аҳд қилган. Ҳалол меҳнати туфайли саодатга эришган бу аёлни маҳалладошлари аҳдига содиқ, деб таърифлашади.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ЯНГИ ОЙ ЧИҚҚАН КЕЧА

# КЕЧИКМАГАН БАХТ

Ойша опа таниш дарвозага яқинлашаркан, кўнгли бир нохушликни сезиб хавотирланди. «Менга қолса, бу кўчанинг яқинига ҳам йўламасдиму, боламнинг кўнгли ўксимасин, дейман-да», деган ўйда минг бир истиҳола, ҳадик билан қўнғироқ тугмасини босди.

Эшикни очган Ҳадичанинг қошлари чимирилди. Ойша опанинг саломига алик ҳам олмай, ўшқира кетди:

— Айтгандим-ку сизга бошқа келманг, деб! Гапга тушунмайдиган қанақа аёлсиз?! Ҳозироқ туёғингизни шиқиллатинг. Жўнанг!

Ойша опа бир оғиз ҳам гапиролмади. Қарсиллатиб ёпилган эшик ортидан Ҳадичанинг: «Бу хотин ўзини ким деб ўйлаяпти? Тенг тенги билан... дейишган. Одамлар кўрпасига қараб оёқ узатишса-да!», деб зарда билан жаврагани эшитилди. Иззати ер билан битта бўлган Ойша опа шовқинни эшитиб кўчага чиққан қўшнилар кўз ўнгида хижолатдан қизариб ортига қайтди...

Гулноза Асқаржон билан университетда бирга ўқийди. Сочлари тақимини ўпган бу гўзал қизга шайдо йигитлар кўп эди, аммо у Асқаржонни танлади. Энг аълочи талабалардан, университет спорт мусобақаларининг доимий ғолиби — соғлом, бақувват, камтар ва босиқ Асқаржоннигина ўзига лойиқ кўрди. Ўқишни тугатиш арафасида Асқаржон онаси Ойша опага Гулнозани кўрсатди. Бир гуруҳ қизлар орасида келаётган Гулноза ўзини кузатаётганларидан ва бўлажак қайнанасининг қалбини ширин энтиктираётганидан бехабар, хуш кайфиятда келарди. Ойша опа эртасигаёқ совчиликка борди. Аммо Ҳадичанинг совуқ муомаласи, калондимоғлиги унинг шаштини пасайтирди.

> **...Ҳадича бу хонадондан қушдай енгил бўлиб чиқди. У билан хуш кайфиятда хайрлашаётган Ойша опанинг одамгарчилигига, самимийлигига, гина сақламаслигига қойил қолди. Назарида, ҳовли деворлари оша кўчага бўй чўзган гилос шохлари унинг елкасидаги оғир юкни олиб ташлаётгандек, файзли ҳовли эса, меҳр, садоқат, одамийлик туйғуларини улашаётгандек эди.**

— Эрингиз нима иш қилади? — дабдурустдан сўради Ҳадича.

— Оддий ишчи эдилар... Тўртта болани ўқитиб, уйли-жойли қилдилару, кенжамиз Асқаржон талаба бўлган йили оламдан ўтдилар. Энди фарзандлар роҳатини кўрай деганда...

— Ҳа, энди, умри-ёши шудир-да. Тақдирнинг ҳукмига чора йўқ. Биров олдин, биров кейин, дегандай. Дарвоқе, ўғлингизни кенжамиз, дедингизми? Гулноза бизнинг бош фарзандимиз. Дадасининг ошна-оғайни, ёр-биродарлари кўп. Ўзимизга яраша обрў-эътиборимиз бор. Хўш, дадаси қуда билан бир ўтиргиси келиб қолса, ёки тўй-маъракаларга бирга боришга тўғри келиб қолса, нима бўлади? Хуллас, бу пишмайдиган савдо. Яна келиб ўзингизни ҳам, бизни ҳам ноқулай аҳволга солиб юрманг! — деди Ҳадича.

Мулзам бўлиб чиқиб кетган Ойша опа бу ҳақда ўғлига оғиз очмади. Зора, инсофга келиб қолишса, деган умидда яна икки марта совчиликка борди... Аммо бу сафаргиси ҳаммасидан ошиб тушди.

Онасидан бор гапни билиб олган Асқаржон Гулноза билан сўнгги бор гаплашиб кўрмоқчи, қизнинг кўнглини билмоқчи бўлди. Қиз ҳам изтиробда эди. У Асқаржондан бошқани хаёлига келтиролмаслигини, бироқ ота-онасининг ҳам раъйига қарши боролмаслигини айтиб, кўзида ёш билан хайрлашди...

...Бугун Гулнозага нон синдиришди. Отасининг яқин дўсти бўлган Зариф ака бу хонадонга тез-тез келар, Гулнозани ёшлигидан «келиним», деб эркалатарди. Уйда бўладиган ҳар қандай тадбирда хизматда турадиган бу сермулозамат одамни ҳам, унинг турқи совуқ ўғлини ҳам Гулноза ёқтирмасди. Ота-онаси «энг садоқатли», дея ишонган бу одамларнинг таклифини қабул қилишди.

«Улар бизга ҳар жиҳатдан муносиб, — деди қизини тушунишни истамаган она. — Уларнинг хонадонида кам-кўстсиз яшайсан».

Гулноза куёв бўлмиш билан гаплашди, сенга турмушга чиқолмайман, сени севмайман, деди. Йигит бўлса, мен катталарнинг ишига қарши бир нима деёлмайман, улар нима хоҳлашса шу, деб елка қисди. Гулноза бунчалик ғурурсиз, қатъиятсиз йигит билан қандай қилиб бир умр яшашини ўйлаб, сиқилди. Уни иш жойида билими, фаросати, ахлоқ-одоби, ташаббускорлиги билан кундан-кунга мартабаси ошаётган Асқаржон билан қиёслаб кўрди. Юраги бесаранжом бўлиб, уйқуси қочиб, анча маҳалгача уйғоқ ётди. Катта хонада ёшларнинг унаштирилганини «юваётган» қадаҳлар жарангини эшитмаслик учун қулоқларини беркитиб олди.

Тонг оқара бошлаганда онасининг даҳшатли чинқириғидан уйғонди. Ўқдай отилиб хонага кирганида, отасининг беҳуш, кўкимтир юзига кўзи тушдию, қўрқиб кетди.

Гулноза шифокорларнинг тиббий хулосаларидан даҳшатга тушди. Аниқланишича, дадаси мия саратонига чалинган, бу касаллик кўпи билан уч ойда одамни адойи тамом қилиши мумкин экан. Шундай бўлди ҳам. Бедаво дард қандай тез келган бўлса, шундай шиддат билан беморни олиб кетди.

Эрининг маъракаларида сиқилиб, бир бурда бўлиб қолган Ҳадичани ўй босди. Эри тириклигида соясига тўн ёпиб юрганлар бугун салом-аликни ҳам йиғиштириб қўйишганди. Айниқса, «энг садоқатли» Зариф ўз «содиқлиги»ни намойиш этди. Дўстининг тупроғи совумай туриб, бошқа бир «бойвучча» қизга ўғлини уйлантирди. Гулнозанинг, азадор Ҳадичанинг олдидан ўтиш у ёқда турсин, уларни тўйга ҳам айтмади. «Кимнинг қандайлиги бошингга кулфат тушганда биларкан, — ўйлади Ҳадича. — Мол-дунё, мансаб ўткинчи, асл инсоний туйғуларгина боқий экан. Сал бўлмаса, қизимни бебахт қиларканман. Оғир жудоликка дош бериш мушкул, аммо дадасининг вафоти туфайли одамни одамдан фарқлашга, мунофиқларнинг асл башарасини кўришга муваффақ бўлдим!»

Ойша опа уйини сўроқлаб-сўроқлаб топиб келган Ҳадичага бир зум тикилиб қолди. У жуда қисқа муддатда бир неча йилга қариган, юзларига ажин тушиб, сочлари дув оқарган Ҳадичани дабдурустдан таниёлмадими ёки унинг бу ерга келишини кутмаганиданми ҳайрон қолди. Қўярда қўймай ҳовлига бошлаган Ойша опанинг ортидан кираркан, Ҳадича ўзини хотиржам сезди. Бу оила унга жуда қадрдондек туюлди. Бироқ вужудини оғир бир юк эзарди. Бу юк — уни бу ерга олиб келган мақсад ва уни тилга кўчиришдек мураккаб ҳолат эди. У минг истиҳола билан гап бошлади...

...Ҳадича бу хонадондан қушдай енгил бўлиб чиқди. У билан хуш кайфиятда хайрлашаётган Ойша опанинг одамгарчилигига, самимийлигига, гина сақламаслигига қойил қолди. Назарида, ҳовли деворлари оша кўчага бўй чўзган гилос шохлари унинг елкасидаги оғир юкни олиб ташлаётгандек, файзли ҳовли эса, меҳр, садоқат, одамийлик туйғуларини улашаётгандек эди.

Ўша кеча янги ой чиқди. Асқаржондан бошқани ҳаёлига келтиролмаган Гулноза чинакам бахт остонасига яна рўбарў бўлганидан беҳад шод эди.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА**

# БОЛАЛИК, БЕҒУБОРЛИК, ШОДЛИК БАЙРАМИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА “Президент арчаси” байрам тантаналари бошланди**



< [1]

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган 2010 йилда бу йўналишдаги эзгу чора-тадбирлар кўлами янада ортади. Ёшлар камолоти ва истиқболи йўлида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган бундай ишлар халқаро миқёсда ҳам самарали ислоҳотлар сифатида тан олинмоқда.

— Бизнинг таълим-тарбия масканимиз яқинда ўтказилган «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» республика кўрик-танловида ғолиб бўлди, — дейди пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи директори Малик Рўзиқулов. — Юз нафарга яқин ўғил-қиз тарбияланаётган ушбу даргоҳда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга миллий қадриятларимиз асосида тарбия бериш, таълимнинг келгуси босқичи билан қамраб олиш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Буларнинг бари давлатимизнинг ёшлар келажаги йўлида кўрсатаётган эътиборининг амалдаги ёрқин тасдиғидир.

— Бундай катта байрамда биринчи марта иштирок этдим, — дейди пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Севара Ортиқова. — Президентимизнинг Янги йил совғасини олиш болалар учун катта қувонч. Биз, болаларга шундай қувонч ҳадя этаётганлари учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

...Мусиқа янграйди. Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари кичкинтойларни жўровозликда қўшиқ куйлашга, шўх-шодон рақсга тушишга чорлайди. Арча атрофида болаларнинг беғубор кулгуси янграйди. Байрам тадбирида санъаткорлар, ижрочи ёшлар, цирк усталари, болалар бадиий жамоалари иштирокида “Мўъжизалар оламига саёҳат” мавзуида театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди.

Тантанада қатнашган барча кичкинтойларга Президент совғалари топширилди. «Президент арчаси» байрам тантаналари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ЙИЛ ШОДИЁНАЛАРИ

< [1]

Халқимизда байрамлар, муҳим тадбирлар олдидан янгидан бунёд этилган иншоотларни ишга тушириш, фойдаланишга топшириш, қурилиши режалаштирилаётган иморатларга тамал тоши қўйиш, кам таъминланган, эҳтиёжмандларга байрам совғалари улашиш, қария ва ногиронларни йўқлаш анъанага айланган. Чунончи, байрам арафасида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Чиғатой дарвоза», Ҳамза туманидаги «Беҳизор» маҳаллаларида замонавий гузарлар қад ростлади. Бошқа кўпгина маҳалла бинолари замон талаблари асосида қайтадан таъмирланди. Бундай бунёдкорлик ишлари вилоятларда ҳам кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Биргина Жиззах вилоятида гузарлар қурилишига катта эътибор қаратилиб, Бахмал, Зафаробод, Зомин, Пахтакор, Фориш, Ғаллаорол туманларида бири биридан кўркам, барча қулайликларга эга маҳалла мажмуалари қурилиб ишга туширилди. Самарқанд туманидаги “Чорроҳа” маҳалласида ҳам йиғин учун янги гузар барпо қилинди. Бунёдкорлик ишлари бўйича юртимизнинг турли ҳудудларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мазкур иншоотлар “Маҳалла” жамғармаси ҳудудий бўлим ва бўлинмаларининг амалий кўмаги билан бунёд этилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар, жисмоний имконияти чекланган ва “Меҳрибонлик” уйларида тарбияланаётган болаларга байрам совғалари улашиб, уларнинг қувончига шерик бўлишаётир. Шу кунга қадар мамлакатимизда “Маҳалла” жамғармаси ва фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан ўн мингдан ортиқ байрам тадбирлари ўтказилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, “Меҳрибонлик” уйлари ва махсус мактаб-интернатларда, боғчаларда ташкил этилган “Президент арчаси” тадбирларида жами ўттиз минг нафарга яқин болага Юртбошимизнинг байрам совғалари тарқатилди. Маҳаллаларда кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногирон ҳамда қариялар учун байрам дастурхонлари ёзилиб, 15 мингга яқин эҳтиёжманд оилаларга байрам совғалари ҳадя қилинди.

Мухбирларимизнинг хабар беришича, Самарқанд вилоятида янги йил байрами муносабати билан “Маҳалла” жамғармаси ва бошқа ҳомийлар томонидан 205 миллион сўм ажратилиб, Нуробод, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшработ туманларидаги туғруқхоналарга, вилоят кўзи ожизлар жамиятига янги йил совғалари топширилди. Пастдарғом туманидаги “Димишқиболо” маҳалласида замон талабларига жавоб берадиган гузар барпо этиш ва аҳолига бошқа қулайликлар яратиш мақсадида 50 миллион сўм ажратилди. Айни пайтда вилоятдаги мавжуд 1075 та фуқаролар йиғинида байрам тадбирлари ўтказиляпти. Сирдарё вилоятида “Маҳалла” жамғармаси ҳамда ҳомийлар ҳисобидан жами 4 миллион 8 юз минг сўм пул байрам тадбирлари, 283 та эҳтиёжманд оилага берилган совғалар учун сарфланди.

Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларидаги жами 4 мингдан зиёд марказий кўча ва майдонларда, истироҳат боғларида маҳаллий ҳокимликлар, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бошқармалари ҳамда бошқа бир қатор ташкилот ва муассасалар ҳомийлигида байрам сайллари ташкил этилмоқда.

— Пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларида, майдонларда шу йил 26 декабрдан бошланган халқ сайллари янги йилнинг 8 январига қадар кундузи соат 11 дан кечки 5 гача давом этади, — дейди Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Миржамол Юнусов. — Байрам дастуридан театр томошалари, эртак қаҳрамонлари ҳамда рақс дасталарининг чиқишлари жой олган. Байрам тадбирларини ташкил этишдан асосий мақсадимиз қишки таътилда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишдан иборат.



— Янги йилга янги режалар билан қадам қўймоқдамиз, — дейди Юнусобод туманидаги “Астробод” маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Тўхтахон Ниёзова. — Бу йилда ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши, билим олиши учун замонавий спорт зали, фан тўгаракларини очишни мақсад қилганмиз. Ҳудудимизда жойлашган мактаб ва коллежлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, фарзандларимиз камоли йўлида бир талай ишларни амалга ошириш ниятидамиз. Ҳозир янги йил айёми муносабати билан ҳомийлар кўмагида эҳтиёжманд оилаларга байрам ҳадяларини тортиқ этяпмиз.

Инсонпарварликнинг юксак ифодаси бўлган бундай тадбирлар натижасида юртдошларимизга байрам кайфияти улашилади, дилларга ўзгача қувонч бахшида этиб, халқимизда келажакка ишонч ҳисси мустаҳкамланади. Аҳолининг бирдамлигини таъминлаб, аҳилликка ундовчи кучга айланиб бораётган маҳалла ҳар бир инсон ҳаётида тобора кенгроқ аҳамият касб этаверади.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,**
**“Mahalla” мухбири.**


